2006 ЙИЛ, 11 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 69 (10.626) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қуйи палата депутатлари, фракциялар аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик, «Миллий тикланиш» демократик, Фидокорлар миллий демократик партиялари Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг навбатдаги йиғилишлари бўлиб ўтди.

● Давлат солиқ қўмитасининг ҳайъат йиғилиши ўтказилди. Унда Давлат солиқ хизмати органларининг 2006 йил 1-чоракдаги фаолияти якунлари муҳокама этилди ва галдаги вазифалар белгилаб олинди.

● Халқаро Кураш Ассоциацияси президенти Комил Юсупов раҳбарлигидаги делегация аъзолари дунёнинг 204 мамлакати миллий Олимпия қўмитасини ўз атрофида бирлаштирган Миллий Олимпия қўмиталари ассоциациясининг XV бош ассамблеяси ишида иштирок этди.

● Адлия вазирлигида Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент юридик коллежи, ТДЮИ ҳузуридаги академик лицей, республика юристлар малакасини ошириш маркази профессор-ўқитувчилари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар адлия бошқармаларининг вакиллари, ҳуқуқий маърифат тарғиботи бўйича етакчи маслаҳатчилар, давлат органлари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида «Ҳуқуқий тарғиботнинг самарадорлигини ошириш муаммолари ва уларнинг ечими» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

● Чиноз тумани марказининг «Хўжа» маҳалласида «Отажон ҳожи» гузари қуриб, фойдаланишга топширилди. Уни тадбиркор Қобил Маҳмудов ўз маблағи ҳисобига бунёд этди. Ушбу замонавий гузарда тўйлар, тантаналар ўтказиладиган катта зал, чойхона мавжуд. Шу билан бирга, бу ерда тикувчилик цехи, эркаклар ва аёллар сартарошхонаси, спорт зали ҳам фаолият кўрсатмоқда.

● Мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри вакиллари иштирокидаги югуриш марафони буюк Соҳибқирон тавалludи топган замин — Шаҳрисабзда ниҳоясига етди. Марафон қатнашчилари Соҳибқироннинг ҳайкали пойига гуллар қўйиб, ўзларининг чексиз ҳурмат-эъзозларини изҳор этишди.

● Ангрендаги 28-умумтаълим мактаби бир йил муқаддам хорижий сармояли «Саноатқалинқоғозсавдо» очиқ акциядорлик бирлашмаси ҳомийлигида корхонанинг қўшимча биносига кўчирилган эди. Бирлашма томонидан тўлиқ таъмирланган синф хоналари замонавий ўқув ускуналари ва компьютерлар билан жиҳозланди.

ЖАҲОНДА

● Перуда президентлик сайлови бўлиб ўтди. 45 фоиз сайлов участкаларидан йиғилган маълумотларга кўра, ҳозирча биринчи ўринни 27,3 фоиз овоз тўплаб, Миллий партия етакчиси Ольянта Умала, 2-ўринни эса 26,5 фоиз овоз олиб, консерваторлар номзоди Лурдес Флоделар эгаллаб турибди. Кузатувчиларнинг фикрича, сайловда Умала ғолиб чиқса, Перу қўшниси Венесуэла йўлидан кетади.

● Исроил адлия вазирлиги вакилларининг хабарларига кўра, бугун мамлакат Бош вазири 78 ёшли Ариэль Шарон расман ишга ноқобил деб тан олинади. Унинг ўрнини Шарон касалхонада бўлган уч ой мобайнида Бош вазирнинг вазифаларини бажарган Эҳуд Ольмерт эгаллайди.

● Непалда маочи исёнчилар қирол Гьяндрага бўйсунмаслигини намойиш қилиш учун уюштирилган кампанияни қўллаб-қувватлашларини билдиришди. Икки кундан буён давом этаётган намойишлар натижасида уч киши ҳаётдан кўз юмди.

● Эроннинг жанубида АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига тегишли бўлган самолёт уриб туширилган. Франс-пресс агентлигининг маълумотларига кўра ушбу самолёт учувчисиз бошқариладиган разведкачи самолёт экан.

● Саудия Арабистони ўзининг Ироқ билан чегараси атрофида узунлиги 900 километрга яқин масофани ташкил этувчи ерда девор қурилишига танлов эълон қилди. Чўлдаги ушбу деворнинг қурилиши ҳисоб-китобларга кўра бир неча миллиард фунт-стерлингни ташкил этади. Шу тариқа Ар-Риёд Ироқдан жангариларнинг кириб келишини тўхтатиш ниятида.

● Украинанинг «Запорож» атом электр станцияси ўзининг учинчи блокини вақтинча ёпишга қарор қилди. Маълум бўлишича, мамлакатда ўтган икки кун ичида электр манбаидан ҳаддан зиёд фойдаланилган. Учинчи блокнинг ёпилишига ҳам шу нарса сабаб бўлган.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 12 апрель куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1-3, кундузи 12-14 даража иссиқ бўлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Бектемир туман марказлашган кутубхоналар тизимининг 3-кутубхонасида «Олижаноблик — инсон камолоти калитидир» мавзуида ўтказилган давра суҳбатида «Бектемир» маҳалласи фаоллари иштирок этишди.

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида ўтказилган йиғилиш май, июнь ойларида бўлиб ўтадиган маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш масаласига бағишланди.

● **ЎТГАН** куни Учтепа туманида туман ҳокимлиги ташаббуси билан атроф-муҳитни кўкаламзорлаштириш мақсадида уюштирилган ободонлаштириш тадбирида туман фаоллари иштирок этишди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Мустақилликнинг ўн йиллиги» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан фаоллар, ёшлар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Тинчлик ва осойишталик — жамиятимиз ривожи» деб номланди.

● **КЕЧА** Сергели туманидаги «3-автокомбинат» корхонасида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Ватан озодлиги — олий саодат» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

● **КЕЧА** Юнусобод туман ҳокимлигида туман ҳокимлиги ташаббуси билан фаоллар иштирокида уюштирилган тадбир маҳалла фуқаролар йиғини раислари ҳамда маслаҳатчиларини сайлаш бўйича кўриладиган чора-тадбирларга бағишланди.

● **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Яккасарой туман бўлими ташаббуси билан туманда фаолият юритаётган олий ўқув юртларига «Абитуриент — 2006» лойиҳаси доирасида мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ташриф буюришди.

● **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Собир Раҳимов тумани бўлими Кенгаши ташаббуси билан етакчилар ва сардорлар иштирокида ўтказилган тадбир «Лойиҳа» кўрик-танлови муҳокамасига бағишланди.

● **ТОШКЕНТ** Ислом университетида «Маънавият ва маърифат» марказининг Шайхонтоҳур туман бўлими ташаббуси билан талабалар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган тадбир Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланди.

● **ҲАМЗА** темир йўл касб-ҳунар коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан «Амир Темур сабоқлари» мавзуида ўтказилган давра суҳбатида ўқитувчилар, талабалар, адиблар, тарихчилар иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида аёллар иштирокида югуриш бўйича марафон бўлиб ўтди.

● «**КАМОЛОТ**» ЁИҲ Собир Раҳимов туман бўлими Кенгаши томонидан туманда жойлашган олий ўқув юртлари «Камолот» бошланғич ташкилотлари вакилларининг умумий йиғилиши ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 10 АПРЕЛЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗГА КЕЛГАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ФЕДЕРАЛ МАЖЛИСИ ФЕДЕРАЦИЯ КЕНГАШИ РАИСИ СЕРГЕЙ МИРОНОВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

— Ташрифингиз Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганидан яна бир далолатдир, — деди Ислом Каримов. - Мамлакатларимиз ўтган йилнинг ноябрида Москвада имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномага мос равишда ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириб, тараққий эттирмоқда.

Дарҳақиқат, Ислом Каримов ва Владимир Путин томонидан имзоланган алоқаларни иттифоқчилик даражасига кўтариш тўғрисидаги ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни барча соҳаларда кенг ривожлантиришнинг янги имкониятларини очиб берди. Бугунги кунда Ўзбекистон- Россия ҳамкорлиги сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳарбий ва ҳарбий- техникавий, ижтимоий йўналишларда юксалиб бормоқда.

Ҳамкорлик алоқаларининг янгича сифат касб этишида ҳукумат ва парламент доиралари ҳам салмоқли ўрин тутмоқда. Сўнгги беш ой мобайнида Россия Федерациясидан Ўзбекистонга 14 расмий делегация ташриф буюргани, жумладан, уларнинг тўрттаси парламент вакилларидан иборат бўлгани диққатга сазовордир.

Парламентлараро алоқаларни янада такомиллаштиришдан, унинг доирасида қонун ижодкорлиги борасида тажриба ва ахборот алмашувини кенгайтириш ва халқаро сиёсат билан боғлиқ долзарб масалалар юзасидан узвий мулоқотлар олиб боришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор. С.Миронов-нинг ташрифи асносида Ўзбекистон ва Россия парламентларининг юқори палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзоланган бунинг яна бир тасдиғидир.

С.Миронов айни пайтда МДҲ Парламентлараро ассамблеяси кенгашига ҳам раислик қилмоқда. Бу эса унинг ташрифи Ўзбекистон билан Россия олий қонун чиқарувчи органларининг Ҳамдўстлик доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари муҳокамаси учун ҳам қулай имкониятдир.

Меҳмон самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, икки мамлакат сенаторларининг мулоқоти иттифоқчилик муносабатлари анъаналарига мос тарзда фаоллашиб бораверишига ишонч билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Россия парламентлараро алоқалари билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

РОССИЯ ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРГАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ФЕДЕРАЛ МАЖЛИСИ ФЕДЕРАЦИЯ КЕНГАШИ РАИСИ СЕРГЕЙ МИРОНОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА БЎЛДИ.

Сенат раиси Илгизар Собиров билан учрашувда икки мамлакат парламентлари юқори палаталари ўртасидаги алоқаларни ҳамда қонунчилик соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди. Меҳмонлар Сенат ва унинг қўмиталари фаолияти билан танишдилар.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати билан Россия Федерацияси Федерал мажлиси Федерация кенгаши ўртасида ҳамкорликка оид битим имзоланди. Бу Олий Мажлис Сенати тарихида имзоланган илк халқаро ҳужжат бўлди.

— Мазкур битим Ўзбекистон билан Россия ўртасида қонунчилик борасидаги алоқаларни янада кенгайтиришда улкан аҳамият касб этиши шубҳасиз, - деди С. Миронов. - Ушбу ҳужжатга мувофиқ яқин кунларда ўзаро алоқаларни мувофиқлаштириш бўйича икки мамлакат сенаторларидан иборат экспертлар комиссиясини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, сенатлар девонлари ўртасида ҳамда Ўзбекистон вилоятлари билан Россия Федерацияси субъектлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ҳужжатда ўз ифодасини топган.

Шу ўринда Ўзбекистон билан Россия муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар, жумладан, ўтган йил ноябрда Москвада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин имзолаган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон бой маданий ва тарихий меросга эга мамлакат эканини ҳам алоҳида таъкидлашни истар эдим. Хусусан, кеча қадим Самарқандда бўлганимда қадимий обидалар, айниқса, Мирзо Улуғбек расадхонаси менда унутилмас таассурот қолдирди.

Россия парламент делегацияси раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан ҳам музокара ўтказди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги парламентлараро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Мазкур ташриф бу борадаги алоқаларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши қайд этилди.

Меҳмон Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари ҳузурида Ўзбекистон билан Россиянинг ўзаро муносабатларига доир долзарб мавзуда маъруза қилди.

Шу куни Россия парламенти делегацияси аъзолари Ўзбекистон мусулмонлари идорасида ҳам бўлди. Бу ердаги кутубхонада сақланаётган нодир китоблар билан танишди.

Ташриф якунида С.Миронов журналистлар билан суҳбатда Андижон воқеаларини узоқни кўзлаб амалга оширилган террорчилик ҳаракатидан ўзга нарса эмас, деб баҳолади. - Шунинг учун Россия Ўзбекистон ҳукуматининг 2005 йил май ойида Андижонда юз берган фожиали воқеалар чоғида кўрган чоратадбирларини тўла қўллаб- қувватлайди. Андижон воқеаларининг ташкилотчилари нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақаси, ҳатто Россияга қарши қўпорувчиликлар уюштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Шу боис Ўзбекистон раҳбарияти томонидан мазкур террорчилик хуружини бартараф этиш юзасидан кўрилган чора- тадбирлар мамлакат ҳудудий яхлитлигини сақлаш ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ягона тўғри йўл эди,- деб таъкидлади Россия Федерацияси Федерал мажлиси Федерация кенгаши раиси С.Миронов.

ЎзА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ТИББИЙ ФАОЛИЯТ ВА ҚОНУНЧИЛИК

ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ. ТАДБИР МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАР ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, тегишли вазирлик, идоралар, тиббий олий ўқув юртлари, илмий муассасалар ходимлари, олимлар, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар. Йиғилишни қўмита раиси И.Насриев бошқарди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда фуқаролар соғлиғини сақлаш тизими ривожланишининг ташкилий-ҳуқуқий ва ижтимоий- иқтисодий асосларини барпо этиш, беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ҳамда тиббиётда нодавлат секторни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди.

Фуқароларга малакали тиббий хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш борасида олиб борилаётган саъй- ҳаракатлардан кўзланган асосий мақсад ҳам аҳоли ижтимоий ҳимоясини тобора кучайтиришдан иборатдир.

Юртимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимлари учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 21 декабрдаги «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори бунинг ёрқин исботидир. Мазкур ҳужжат жамиятимизда тиббиёт ходимлари касбининг нуфузи ва мақомини ошириш, шифокорларнинг фидокорона меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан соғлиқни сақлаш тизимининг ҳуқуқий негизларини янада мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини ошириш, тиббий фаолиятни такомиллаштириш мақсадида қатор янги қонун лойиҳаларини қабул қилиш ҳамда амалдаги қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қонунлар лойиҳалари устида иш олиб борилаётгани таъкидланди. Хусусан, қўмита томонидан «Тиббий фаолият тўғрисида» ҳамда «Тузни йодлаштириш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари тайёрланди.

Йиғилишда юртимиз фуқароларига малакали тиббий фаолият кўрсатишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида жаҳон тиббиётидаги тажрибага, тиббиётга оид халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган ҳолда тегишли тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди.

ҲАМИША АРДОҚДА

ПОЙТАХТИМИЗДА РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ, ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ ҲАМКОРЛИГИДА АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНГАН МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Шу муносабат билан атоқли адиб номи билан аталувчи боғга санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар, маҳалла фаоллари, ўқувчи ва талабалар йиғилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида эл- юртимиз озодлиги ва истиқлоли йўлида жон фидо этган миллат фарзандларининг номларини тиклаш, уларнинг бой меросини ҳар томонлама ўрганиш ва тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Атоқли адиб Абдулла Қодирий халқимизнинг ана шундай ўғлонларидан эди.

Анжуманда истиқлол йилларида адиб ижоди юксак даражада қадр топаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбарининг фармони билан атоқли ёзувчи «Мустақиллик» ордени билан мукофотлангани, хотирасига сўлим боғ бунёд этилгани, асарлари мукаммал ўрганилаётгани бунинг яна бир далилидир.

Бугунги кунда Абдулла Қодирий асарлари нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам ўқувчиларнинг меҳр-муҳаббати ва эътиборини қозониб келмоқда.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

Ҳунари гўзаллар

НАФОСАТГА БОЙ МАҲСУЛОТЛАР

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ШАРОФАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗДА ХАЛҚ АМАЛИЙ ВА БЕЗАК САНЪАТИ ЙИЛДАН ЙИЛГА РИВОЖЛАНИБ, САЙҚАЛ ТОПИБ БОРМОҚДА. АЙНИҚСА, КУЛОЛЧИЛИК, ЗАРГАРЛИК, ЁҒОЧ ҲАМДА ГАНЧ ЎЙМАКОРЛИГИ, НАҚҚОШЛИК, ЛАК МИНИАТЮРАСИ КАБИ КЎПЛАБ НОЗИК ҲУНАРМАНДЧИЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ЎРГАНАЁТГАН ЁШЛАР АЖДОДЛАРИНИНГ НУРЛИ ЙЎЛЛАРИНИ ДАВОМ ЭТТИРАЁТГАНЛИГИ ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ.

— Қўли гул устазодаларнинг машаққатли меҳнатлари эвазига яратилган нодир асарлар, — дейди «Ташаббус —2006» кўрик-танловининг Мирзо Улуғбек туманида «Энг яхши ҳунарманд» номинацияси ғолиби бўлган кулолсоз уста Воҳиджон Мамажонов, — дунёнинг барча давлатларида ўтказилаётган халқаро кўргазма, ярмарка, анжуманларда, юртимизнинг маданият кунларида кенг намойиш қилинмоқда.

Ота касбини эъзозлаётган сопол устаси устози Маҳмуд акадан кулолчиликни миридан-сиригача ўрганди. У жуда ёшлигидан,чамаси 4-5 ёшлигидан ҳунарга қизиқиши кучли эканлиги боис отаси ёнида «тобланди»

— Юртимизда хусусий бизнесни юритиш учун очилган кенг йўл, қўллаб-қувватлашга, эркин фаолият юритишга яратилган ҳуқуқий замин, боис, — дейди Воҳид Мамажонов, — имкониятларимиздан унумли фойдаланмоқдамиз.

Бир-бирини такрорламайдиган кўзалар, гул тувaклар, устунга безаклар, совғабоп, манзарали лаган каби ажойиб, эксклюзив экологик тоза сопол буюмлар ноёб санъат асари даражасига етказилганки, уста ҳунарманднинг ишлари ўзига хослиги, гўзал композицион тузилишга эгалиги билан алоҳида ажралиб туради. Масалан, ота-бола Мамажоновларнинг ишлари Миллий театр биноси, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Шаҳидлар хотираси музейи, Сенат биноси,Тошкент Ислом университетида, Самарқанд шаҳридаги «Шоҳи-Зинда» мақбарасида, Германия давлатидаги Ўзбекистон элчихонаси каби муҳташам, маҳобатли иморатларда кўзга яққол ташланади.

Эътиборли томони, уста ҳунарини пухта эгаллаш билан бирга, тарихий манбаларга ҳам тез-тез мурожаат қилади, билимини доимий ошириб боради. У асарларини X асрдан бошлаб,айниқса XIV-XV асрларда кулолчилик гуркираб ривожланган даврларни чуқур ўрганиш асосида яратишга интилмоқда. Ҳунарини эса қизиқувчан шогирдлари—ёшларга алоҳида меҳр-муҳаббат билан ўргатади. Чунки уста зиммасида ҳунарини асраб-авайлаш, уни янада бойитиш, ёш авлодга етказиб бериш каби муқаддас, бурч турганлигини яхши англайди.

Ҳозирги кунларда кулол устаси билан Дилмурод Худойберганов, Шаҳриёр Раҳматуллаев ҳамда Мурод Азимбоевлар елкама-елка туриб, буюртмаларни бажаришмоқда. Изланиш, ташаббус, сифатга асосий эътибор бор жойда албатта, ишда самара бўлади. Асосийси, йиллар, даврлар оша халқ амалий усталарининг ишлари жаҳонга машҳурлиги ортиб бораверади.



Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

СУРАТДА: ушбу маҳсулотлар устанинг сермаҳсул меҳнати самараси ҳисобланади.

Наталья Семёнова олган сурат

Иқтисодиёт

ТАКРОРЛАНМАС МЕБЕЛЛАР

МЕБЕЛЬ УСТАСИ, ҲУНАРМАНД БАХТИЁР ТУРДИЕВ ТАЙЁРЛАГАН МАҲСУЛОТЛАР ЎЗИНИНГ ТАКРОРЛАНМАС КЎРИНИШИ, ПИШИҚ-ПУХТАЛИГИ, ЧИРОЙИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

Айниқса, мустақиллик туфайли ҳукуматимизнинг ҳунармандларга қаратган беқиёс эътибори уста Бахтиёр Турдиевни янги изланишларга, маҳоратини намоён этишга ундади. У асосан аҳоли буюртмаси асосида ишлайди. Маҳсулот дизайни устида ишлар экан, буюртмачи талабига кўра миллий услубни Европа сифати билан уйғунлашувига эришади. Унинг мебелсозликда мураккаб саналган – аркон услубидан самарали фойдаланиб ишлаб чиқарган турли маҳсулотлари бир-бирини асло такрорламайди, ҳар бири ўзига хос кўринишга эга бўлади.

Уста шогирдлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратар экан, асосан маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар фарзандларига ҳунар сирларини ўргатишга интилади. Маҳсулотларни эса маҳаллий сифатли хом ашё – ёнғоқ ва чинор дарахтларидан фойдаланиб тайёрлайди.

— Юртимизда тадбиркорларга яратилган шарт-шароитлар, ҳунармандларга берилган имтиёзлар кишини меҳнат қилишга, иқтисодиёт ривожига ҳисса қўшишга ундайди, — дейди Бахтиёр Турдиев мамнуният билан. — Ахир излаган имкон топади, деган ибора бежизга айтилмаган. Ўтган йилнинг ўзида 17 хил мебель маҳсулотлари тайёрлашга муваффақ бўлдим. Энг асосийси эса ушбу маҳсулотлар чиройли, чидамли, иссиқ ва совуққа бирдай бардошли. Шогирдларим сафи эса кенгайиб бормоқда.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳунармандлар маскани саналмиш Собир Раҳимов туманида ўтказилган «Ташаббус-2006» кўрик-танловида Бахтиёр Турдиев ғолиб топилиб, «Энг яхши ҳунарманд» номини олганлиги ҳам муваффақиятларидан далолатдир.

ХАРИДОРЛАРИ ХОРИЖДА ҲАМ БОР

«РАЙҲОН–ДОНО» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИДА ҲАМ ХАРИДОРЛАРИ БОРЛИГИ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИ САМАРАСИДИР.

— Фаолиятимиз давомида касаначиликка алоҳида эътибор қаратганимиз боис ҳам, — дейди корхона директори Райҳон Қуримбова, — Президентимизнинг касаначилик хусусидаги Фармони ишимизни ривожлантиришга, фаолиятимизни кенгайтиришга асос бўлади, дея оламиз. Корхонамизда асосан пардалар, кўрпача, миллий либослар, болалар мактаб кийимлари, махсус кийим-кечаклар тайёрланади. Шунингдек, хотин-қизларга тикиш сирларини ўргатамиз ва ўз корхонамизда иш билан таъминлаймиз.

Ўтган йилдан бошлаб корхона чеварлари томонидан тайёрланган махсус куроқ кўрпачалар Америкага экспорт қилинмоқда. Америкалик шериклар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйиш мақсадида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Тоза пахта хом ашёларидан тикилган маҳсулотлар хорижлик харидорларга манзур бўлмоқда.

Тадбиркорлар изланишларни давом эттириб, жорий йилда имтиёзли кредит эвазига янги цехни ишга тушириш ҳамда хизматнинг янги турларини жорий этишни мўлжаллаб туришибди.

Шарофат БАҲРОМОВА

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР. ЧУНКИ ҚУРИЛАЁТГАН ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ КЕЛАЖАК ТАҚДИРИ КЎП ЖИҲАТДАН ЁШЛАРНИНГ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК ДАРАЖАСИГА БОҒЛИҚДИР.

Анжуманлар

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИККА ЭЪТИБОР

Бу тўғрида «Ойдин ҳаёт» маркази раҳбари, педагогика фанлари доктори, профессор Ойниса Мусурмонова шундай дейди:

— Инсоннинг маънавий камолоти, айниқса, ҳуқуқий маданияти оилада шакллана бошлайди. Лекин, ҳаётда жуда кўп ҳолатларда ота-онанинг ҳуқуқий саводсизлиги, ҳуқуқий фаоллигининг пастлиги, оила аъзоларининг ўз фуқаролик, моддий ва маънавий ҳақ-ҳуқуқларини билмасликлари оқибатида эр ёки хотиннинг, ота-она ёки фарзандларнинг ҳуқуқлари поймол этилиши ҳолатлари учрайди, баъзан эса адолатсизликка йўл қўйилади. Айрим ҳолларда корхона ёки идоралар раҳбарларининг ҳомиладор аёлни ишга қабул қилмаслик ҳолатлари ёки хотин-қизларга меҳнат қонунларида белгиланган имтиёзларнинг бузилиши, шунингдек, аёлларга нисбатан иш соатларини нотўғри тақсимлаш ёки уларнинг дам олишлари, ҳордиқ чиқаришлари учун шароит яратмаслик, аёллар меҳнатини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласига кўп ҳам эътибор бермаслик каби салбий ҳолатлар ҳам учраб туради.

Албатта, бундай ҳолатларнинг юз беришига биринчи навбатда хотин-қизларнинг ҳуқуқини яхши билмасликлари сабаб бўлади. Чунки ҳуқуқий саводсиз аёл ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя эта олмайди. Шунинг учун ҳам жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари, ҳуқуқий ташкилотлар ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳуқуқий таълим фаолиятини кучайтириш ва услубий жиҳатдан такомиллаштириш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб этиш ишларини самарали ташкил этишга алоҳида эътибор бериш лозим. Оиланинг мустаҳкамлиги, оилада хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга бағишланган тадбирларни кўпроқ ўтказмоқ зарур.

Айнан ана шу мақсадда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг француз филологияси факультетида «Талаба хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаш ва уларга ҳуқуқий ёрдам бериш» мавзусида бир кунлик семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда «Ойдин ҳаёт» маркази раҳбари Ойниса Мусурмонова, раҳбар ўринбосари, профессор Диляра Шарипова, Халқаро Фридрих Эберт фонди раҳбари Ноила Резярова, юридик фанлари номзоди, доцент Сорахон Аҳмедова ҳамда ЎзДЖТУ Хотин-қизлар қўмитаси раиси Шаҳноза Халилова, ЎзДЖТУ ректори Ғ.Шоумаровлар жамиятда ва оилада хотин-қизларнинг ўрни ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, ҳуқуқий маданият ҳақида батафсил маълумотлар беришди.

«Ўзбекистонда хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш борасидаги ижтимоий сиёсат», «Хотин-қизлар таълими, ҳаётий қадриятлар», «Аёл ва оила», «Аёл ва унинг ҳуқуқи, ҳуқуқий саводхонлик» мавзуларида талабалар гуруҳларга бўлиниб, мунозаралар олиб боришди. Тадбир сўнгида Д.Шарипова талаба-қизлар ўртасида қизиқарли савол-жавоб ўйинларини ўтказди. Семинар талабаларда катта таассурот қолдирди.

Ирода ХАЙРИДДИНОВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси

БОЛАЛИКДАН БОШЛАНАР ҲАЁТ

«ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИГА МАСЪУЛ КИШИЛАР ЗИММАСИГА МУСТАҚИЛ ЮРТИМИЗГА БАРКАМОЛ ШАХС ЕТИШТИРИБ БЕРИШДЕК УЛКАН ВАЗИФАНИ ЮКЛАЙДИ. ЗЕРО, ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ЭНГ АВВАЛО УНИНГ КЕЛАЖАГИ БЎЛГАН ЁШ АВЛОДНИ ҲАР ТОМОНЛАМА СОҒЛОМ ВА ИЛМЛИ, ЎЗ ЮРТИНИ СЕВАДИГАН, ОТА-БОБОЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ ВА АХЛОҚИЙ ЮКСАК ҚАДРИЯТЛАРИНИ ЭЪЗОЗЛАЙДИГАН ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Яқинда шаҳримиздаги «Пахтаой» номли 26-мактабгача таълим муассасасида «Таълим муассасасида ўз-ўзини бошқарув ва назорат қилиш» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Анжуманни Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамда Собир Раҳимов туман халқ таълими бўлими ҳамкорликда ўтказдилар.

— Ушбу тадбирни ташкил этишдан мақсад, – дейди шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг мактабгача таълим бўлими бошлиғи Васила Йўлдошева, – мустақил дунёқарашга эга, билимли, доно, зийрак болажонларнинг комил инсон бўлиб тарбияланишига алоҳида эътибор кўрсатиш ва бошқарув услубини олиб боришига қараб раҳбарнинг мунтазам равишда ўз устида ишлаши, тадбиркор, изланувчан бўлиши, жамоадаги муҳит ва педагогик жараёнда самарадорликни таъминлаш жиҳатларига эътиборли бўлиши, таълим сифатини янада яхшилаш масалаларига эътибор бериш, ўзаро фикр алмашиш кўзда тутилган.

Семинар-тренингда шаҳримиздаги барча туманларнинг халқ таълими бўлимлари раҳбарлари, мактабгача таълим муассасаси раҳбарлари ва услубчилар иштирок этдилар.

Тадбир доирасида «Ўз-ўзини бошқарув ва назоратнинг илмий асоси», «Бошқарув усулининг турлари ва тавсифи», «Раҳбар – бу вақтдан унумли фойдаланадиган ва ўзгаларни ҳам шунга ўргатадиган ташкилотчидир» мавзуларида чиқишлар бўлди. Шунингдек, «Сизнинг ижодий самарадорлигингиз», «Касбга доир ўйин» мавзуларида қизиқарли кичик саҳна кўринишлари намойиш қилиниб, тест синовлари бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент шаҳар халқ таълими педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси Зуҳра Файзиева келажак авлоднинг баркамол, ақлан тийрак, зукко, зеҳнли бўлиб ўсишида тарбиячиларнинг ўрни, уларнинг машаққатли, аммо шарафли касбларига фидойилиги ҳақида сўзлади. – Мақсадимиз ягона, — деди жумладан у ўз сўзида, — юртимизга Ватан ишқи билан ёнган изланувчан, интилувчан болаларимизнинг комил инсон бўлиб етишишларига ҳар томонлама ёрдам бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш баробарида меҳрли қилиб тарбиялашдан иборат.

Анжуман сўнгида иштирокчилар ўзларининг фикр-мулоҳазаларини, таклифларини билдирдилар. Қатнашчиларга тавсиялар берилди. Қизиқарли, мулоҳазали, мушоҳадали, қизғин баҳсмунозараларга бой семинар барчада илиқ таассурот қолдирди.

Гулчеҳра САТТОР қизи

2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ОНАЛАР САЛОМАТЛИГИ ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА

ПОЙТАХТИМИЗДА ОНАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ДАСТУРЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНГАН МИНТАҚАВИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.

БМТнинг аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакиллари, Ўзбекистон, Арманистон, Озарбойжон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари иштирок этди.

Таъкидланганидек, БМТнинг Минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришиш дастури доирасида дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳаётга татбиқ этилаётган муҳим лойиҳалардан бири оналар ўлимини камайтириш ва уларнинг саломатлигини муҳофазалашга йўналтирилган. ЮНФПА бу борадаги ишларга муносиб улуш қўшиш мақсадида тўқсонга яқин мамлакатда оналар саломатлигини мустаҳкамлаш ва репродуктив саломатликни яхшилашга йўналтирилган дастур бўйича иш олиб бораётир.

— Мамлакатимизда аёлларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, саломатлигини муҳофазалаш, бехатар оналикни таъминлаш ижтимоий-иқтисодий ва тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларидандир,—деди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи К.Ёдгорова. — Бу борада давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. 2006 йилнинг давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши мамлакатимизда бу борада изчиллик билан амалга оширилаётган ишлар кўламини яна кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳукуматимиз ва халқаро молия ташкилотлари ҳамкорлигида «Саломатлик - 1» лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилди. Унинг мантиқий давоми ҳисобланган «Саломатлик - 2» лойиҳаси доирасида юртимиздаги кўплаб қишлоқ врачлик пунктлари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётир. Умумий амалиёт шифокорларининг малакасини оширишга йўналтирилган семинар- тренинглар ташкил этиляпти.

Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш лойиҳаси доирасида эса республикамиздаги барча қон қуйиш станциялари, қатор вилоятлардаги туғуруқ мажмуалари замонавий тиббий воситалар билан босқичма-босқич жиҳозланиши режалаштирилган. Қарийб ўн икки минг нафар патронаж ҳамширалари, икки ярим минг нафар акушер- гинеколог, неонатолог ва педиатр оналар соғлигини мустаҳкамлаш ва чақалоқларни парваришлашнинг муҳим жиҳатлари, болаларни кўкрак сути билан озиқлантиришнинг афзалликлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда ЮНИСЕФ томонидан ишлаб чиқилган дастур доирасидаги ўқув курсларида малака оширади.

Уч кун давом этган минтақавий анжуманда Кавказорти ва Марказий Осиё мамлакатларида ушбу йўналишда эришилаётган ютуқлар ва галдаги вазифалар атрофлича таҳлил этилди. Аёллар саломатлигини асраш борасида тиббиёт соҳасидаги ижобий тажриба ва илм-фан янгиликлари оммалаштирилиб, 2015 йилгача амалга ошириладиган ишлар стратегияси ишлаб чиқилди.

ЎзА

Санъат

РАНГ-БАРАНГ СПЕКТАКЛЛАР

«ТАРТЮФ» ДЕГАН НОМДА ПОСТАНОВКА ҚИЛИНГАН СПЕКТАКЛЬ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕАТРИ РЕПЕРТУАРИДАН ЎРИН ОЛИБ МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН НАМОЙИШ ЭТИЛГАНДИ. КЎПЛАБ МУХЛИСЛАР ИЛТИМОСИ БИЛАН МАЗКУР АСАР ЯНА САҲНА ЮЗИНИ КЎРАДИГАН БЎЛДИ.

Театрнинг ижодий жамоаси яна қатор постановкаларни томошабинларга тақдим этиш устида иш олиб бормоқда. «Зўраки табиб» спектаклининг янги саҳнавий талқини ҳам кўпчиликни мамнун этади.

Бундан ташқари ёш томошабинлар драматург М.Булгаков пьесаси асосида постановка қилинадиган янги асар билан ҳам яқин орада танишадилар.

Академик шоир Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» асари бўйича саҳналаштирилган спектакль эса мактаб ўқувчилари эътиборига ҳавола қилинади.

Ўзбек ва рус тилларида кўрсатиладиган бу асар театр репертуаридан кўчма постановка сифатида ўрин олди.

ТАРОНАЛАР ЯНГРАГАНДА

РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИДА УЮШТИРИЛГАН ЯНГИ ТОМОША ДАСТУРИДАН ТУРЛИ МИЛЛАТ ТАРОНАЛАРИ ЎРИН ОЛДИ. «ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ» ДЕБ НОМЛАНГАН ҚЎШИҚ ҲАМ БАРАЛЛА ЯНГРАДИ.

Мазкур тарона халқлар маданияти улуғланади.

Тошкентдаги татар ижтимоий-маданий-маърифий маркази томонидан тайёрланган номерлар ҳам маҳорат билан ижро этилди. Истеъдодли татар бастакори Солиҳ Абдусалямов яратган янги қўшиқ «Фарҳод монологи» деб номланди.

Афғон, тожик тилларда янграган тароналар ҳам тингловчиларга манзур бўлди.

ҚАЙТА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

БИЗ ЯҚИНДАГИНА ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИНИНГ УЛКАН НАМОЯНДАЛАРИДАН БИРИ ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИНИ КЕНГ НИШОНЛАДИК. АНА ШУ МАШҲУР СЎЗ САНЪАТКОРИГА БАҒИШЛАБ ЯРАТИЛГАН «БОБУР» ВИДЕОФИЛЬМИ ЮЗАГА КЕЛГАНИГА ЭСА 15 ЙИЛ БЎЛДИ.

Атоқли ёзувчи Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи асосида суратга олинган бу видеофильм республикамиз киносанъати ривожида муҳим воқеага айланган эди.

Таниқли режиссёр Мақсуд Юнусов томонидан экранлаштирилган ушбу фильм пойтахт талабалари ўртасида қайта намойиш қилинди. Бундай қизиқарли маданий тадбир Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари иштирокида ташкил этилди.

Акбар АЛИЕВ

Тақдимот

«МАШРАБ» — ТАЛАБАЛАР САҲНАСИДА

ЯҚИНДА МАННОН УЙҒУР НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ САНЪАТ ИНСТИТУТИ ЎҚУВ ТЕАТРИДА «НА МАЛАКМАН, НА ФАРИШТА» АСАРИ АСОСИДА САҲНАЛАШТИРИЛГАН СПЕКТАКЛНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ. УШБУ АСАР МАЗКУР ЎҚУВ МАСКАНИНИНГ 4-КУРС МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ АКТЁРЛИГИ БЎЛИМИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ДИПЛОМ СПЕКТАКЛИ ТАРИҚАСИДА САҲНАГА ОЛИБ ЧИҚИЛДИ. СПЕКТАКЛЬ РЕЖИССЁРИ, ИНСТИТУТНИНГ КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ, ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ БОИР ХОЛМИРЗАЕВДИР.

Асар тарихий мавзуда бўлиб, оташнафас шоир Бобораҳим Машраб ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Одатда бу мавзудаги яъни тарихимизда номлари битилган аждодларимиз ҳаётидан ҳикоя қилувчи спектакль институт саҳнасида камдан-кам қўйилади.

Спектаклда мусиқага кенг ўрин берилган бўлиб, асар қаҳрамонлари томонидан айтиладиган ария ва дуэтлар муваффақиятли чиққан. Режиссёр бундан икки йил аввал Муқимий театрида қўйилган асарни талабалар билан ўзига хос услубда саҳналаштирган. Гап шундаки саҳнада иккита Машраб намоён бўлади. Биринчиси шоир Қаландар бўлса, иккинчиси шоҳ Машраб, яъни биринчисининг руҳи бўлиб, саҳнада ҳаракат қилишади. Муқимий театрида бундай ҳолат акс эттирилмаган. Бу ҳам режиссёрнинг ўзига хос услубидир. Ҳар иккала Машраб роли ижрочилари талабалар У.Ҳайдаров ва А.Эшоновлар бир-бирига узвий боғланган бўлиб, саҳнада эркин ҳаракат қилишади. Машраб — ҳамиша илоҳий дунёларда яшайди. Шу билан бирга у ўктам фикрли шахс бўлиб кўринади. Бош қаҳрамон — У.Ҳайдаров воқеалар ривожида дилидагини тилига кўчиришдан асло чўчимайди.

Фикримизча, талаба-актёрлар устозлари ёрдамида спектаклда ўша давр руҳини тўлақонли акс эттира олишган, десак муболаға бўлмайди. Спектаклнинг воқеа чизиқлари равон талқинга эгадир. Саҳнада ҳеч қандай ортиқча иштирокчи кўринмайди. Ҳар бир талаба ўзига топширилган ролни тўлақонли ижро этишга ҳаракат қилган. Бош қаҳрамон ижрочилари талабалар — У.Ҳайдаров ва З.Маспаровнинг кенг овозга эгалиги Машраб ва Малика Офоқойнинг дарду аламларини, ошиқ қалбнинг дил нолаларини изҳор этишда, спектаклнинг муваффақиятли чиқишига ўз таъсирини кўрсата олган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, институтимиз янги биносида саҳналаштирилган тарихий мавзудаги илк диплом спектакли томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

Беҳзод ҚОДИРОВ,
талаба

«КАМОЛОТ» БОҒИ» БАРГ ЁЗМОҚДА

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ НАТИЖАСИДА ШАҲАРЧА ВА ТАЛАБАЛАР ТУРАР ЖОЙЛАРИНИНГ ҚИЁФАСИ ТУБДАН ЎЗГАРДИ.

Ўзларининг ўқиши, яшаши, ижод қилиши ва жисмонан чиниқиш учун яратилган қулайликлардан мамнун ўқувчи ва талаба-ёшлар таҳсилдаги ютуқлари билан бир қаторда, янги ташаббус ва лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга ҳам интилмоқдалар.

Куни кеча шаҳарчада «Камолот» боғи»га асос солинди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ўзининг Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети бошланғич ташкилоти ҳамда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамкорлигида мазкур лойиҳага бош бўлди. Қарийб тўрт юз нафар йигит-қизнинг саъй-ҳаракати билан бир ярим гектар ерга икки юз тупдан кўпроқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Тадбир доирасида маънавий-маърифий ва маданий дастурлар ҳам намойиш этилди. Ёшлар «Табиатга меҳр бериng» мавзуида ўтган расмлар танлови ва экология, ботаника ҳамда зоология фани бўйича ташкил этилган беллашувларда ўзаро куч синашди.

ЎзА

Хатлар — ҳаёт ойнаси

Яшариш, янгиланиш айёми Наврўз шукуҳи ўлкамизда кезмоқда. Дошқозонларда сумалак, ҳалим ҳамда баҳорий неъматлар — кўк сомса, кўк чучваралар тайёрланиб дастурхон кўркига кўрк қўшиб турибди. Ҳамшаҳарларимизнинг кайфияти ҳам ўзгача. Ҳар бир инсон яратувчанлик ҳисси билан яшамоқда. Буни сиз азизлардан таҳририятимизга келаётган мактублар, телефон қўнғироқлари яққол исботлаб турибди. Шуниси қувонарлики, ушбу мактубларда турли хил воқеалар, ҳодисалар билан бирга кундалик ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида юз бераётган янгиланишлар қаламга олинади, камчилик ва муаммолар таҳлил қилинади, аниқ таклифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилади. Бу жараён мамлакатимизда демократия тамойиллари тобора ҳаётимизга чуқурроқ сингиб бораётганлигини англатади. Шу боис ҳам бугунги «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифаси материалларини сиз азизлардан келган мактублар асосида тайёрладик. Зеро, «Мактуб — кўнгил ойнаси» деганларидек, бизга доим хат ёзинг, қўнғироқ қилинг.





Ўлкамизда фасллар келинчаги — баҳор кезмоқда. Шу боис, таҳририятимизга сиз суратларда кўриб турганингиздек, ҳашар ва ободонлаштириш мавсуми ҳақидаги хабарларнинг келиши давом этмоқда...

Маънавият

ЯНА БИТТАГА КЎПАЙДИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ЧОП ЭТИЛАЁТГАН КЎП НУСХАЛИ ГАЗЕТАЛАР СОНИ ЯНА БИТТАГА ОРТДИ. ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ «ИРРИГАТОР» МАТБУОТ НАШРИ ЧИҚА БОШЛАДИ.

Олий ўқув юрти муассислигида чоп этилаётган ушбу газетанинг биринчи сонида институт ректори, профессор Толибжон Худойбердиев муштарийларни қутлаб, янги газета таҳририятига оқ йўл тилади.

«Ирригатор» ҳар ойда бир марта чиқарилиб, олий ўқув юрти ҳаётини кенг ёритиб боради. Унинг саҳифаларида олий таълимнинг долзарб масалалари ҳам ўз аксини топади.

БОСМАГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЙИРИК ЗИЁ МАСКАНИ СИФАТИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТИБ КЕЛМОҚДА. БУ ЕРДА ТУРЛИ ХИЛ НАШРЛАРНИ БОСМАГА ТАЙЁРЛАШ ИШЛАРИ ҲАМ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА. БУНДАЙ ЖАРАЁН КУТУБХОНА НАШРИЁТИ ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Кейинги вақтда бу нашриёт бир неча янги китоб ва рисолаларни тақдим этди. Яқинда чоп этилган навбатдаги китоб иқтисодиётнинг корпоратив бошқаруви мавзуига бағишланди.

«Корпоратив тузилма» деб аталган бу монографияда акционерлик жамиятларини тузиш, улар фаолиятини йўлга қўйиш ўз ифодасини топди.

«Маънавиятимиз кўзгуси» рукнида туркум рисолаларни чоп этиш кўзда тутилди.

Анвар АББОСОВ

Мактуб йўлга чорлади

ҲАР БИРИМИЗНИНГ СОҒЛИҒИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

«ҲУРМАТЛИ ТАҲРИРИЯТ ХОДИМЛАРИ. «САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК» ДЕГАН НАҚЛДА МАЗМУН КЎП ЭКАН.

Чунки соғлиғи ёмонлашгач одамнинг кўзига бу ёруғ олам қоронғу бўлиб тўқинар, егани ичига тушмас, сўнгги пушаймон қилса ҳам фойдаси бўлмас экан. Аввалари телевизору радиода ёки газеталарда эълон қилинадиган мақолаларда чекишнинг салбий оқибатлари ҳақида гапирилса ишонмас эдим. Шунчаки бир гап-да бу. Ана Тожибой ака роса чекиб, бирон марта касал бўлмаган. Ёки Музробхон ота чекканда ҳам паровоздек тутатарди, 90 ёшдан ошиб вафот этдику, дея ўйлардим. Хом ўйлаган эканман. биттаю битта фарзандим Ғанишерни эркалатиб катта қилдик. Роса кўнглига қарадик, велосипед, машина олиб бердик. Чекиб келди. Индамадик. Ичиб келди, сукут сақладик. Йигитчиликда бўладида, дедик. Оқибатда эса...

Сизлардан илтимосим шуки, газетада чекишнинг, ичишнинг зарари ҳақида кўпроқ мисоллар билан мақолалар тайёрланглар. Зора, бу чиқишларингиз туфайли эндигина тамаки чекишга ўрганаётган болажонларимиз ана шу зарарли одатдан қайтишса.

Сизларга камоли эҳтиром ила Валижон».

Ушбу мактуб аввалига бизни ҳам ажаблантиргани рост. Чунки Валижон ака ёзганидек, ҳозирги кунда ҳар икки-уч нафар кишининг биттаси чекади. Чекувчиларни кўрганда соппа-соғ экан дея ўйлайсиз. Аммо уларнинг аксарияти йўталади, айримларининг йўталишини эшитиб «Шифокорга кўриниши керак экан», дея ўйлаб қоламиз. «Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб» деб бежизга айтилмагандирки, Валижон ака таҳририятга мактуб йўллапти. Бу инсоннинг бошидан кечирганларини тинглаш, бироз бўлса ҳам кўнглига таскин бериш мақсадида унинг ҳовлисига йўл олдик.

Валижон аканинг ҳовлиси анчагина кенг, қурилган иморатлар ҳам ҳашаматли эканлигидан мактуб эгасининг бир вақтлар ўзига тўқ, бадавлат яшаганлиги кўриниб турибди. Бизни 65 ёшлардаги буғдойранг, истараси иссиқ бир киши кутиб олди. Ўзимизни таништиргач эса чеҳраси ёришиб уйга таклиф қилди.

Мухбир халқи ҳамма нарсага қизиқувчан бўлади. Ҳовлини, теварак-атрофни синчиклаб кузатдик. Қизиғи, ҳамма ёқ жимжит. Валижон акадан бошқа кимса кўринмайди.

— Ҳайрон бўляпсизми? — Худди ичимиздагину уққандек гап бошлади хонадон соҳиби, — яккаю-ёлғизимиз Ғанишернинг вафоти аёлимни чўктириб қўйди. Фарзанд доғида куяқуя боқий дунёдан фоний дунёга рихлат қилди Машкура. Энди бир ўзим сўппайиб қолдим. Шуни биламанки, чекиш ҳақиқатан ҳам одамни тугатаркан. Буни мен ўз кўзим билан кўрдим.

Валижон ака бироз жимиб қолди. Биз ҳам суҳбатдошимизнинг хаёлини бўлмай сукут сақладик.

— Болани ҳаддан зиёд эркалаш, кўнглига қараш энг нотўғри йўл экан, — ҳикоясини бошлади Валижон ака, — Ғанишерни бирор марта чертмабман, сўкиш у ёқда турсин сенлаб гапирмабман. Оқибатда у ҳудбин, тантиқ бўлиб вояга етди. Катта бўлса қуйилиб қолар, дедик. Қайтага унинг машмашалари кўпайса кўпайдики, асло камаймади. Назаримда ўғлим 9-10 ёшлариданоқ чека бошладиёв, чунки ҳали мактабни тугатмасиданоқ юрса ҳарсиллайдиган, совуқ тушса тез-тез шамоллайдиган бўлиб қолди. Ғанишер тинимсиз йўталар, онаси ва мен бунинг сигаретадан эканлигини тахмин қилардигу уни бу йўлдан қайтаришга ожиз эдик. Ўғлимиз биздан ранжимасин, хафа бўлмасин, деб ўйлаганмиз-да, албатта. Мактабни ҳам тугатди. Каминанинг топиш-тутиши яхши. Ўғлимга совға деб янги машина олиб бердим. Ўқишга ҳам кира олмади. Тагида «Волга», ҳали у ресторанда, ҳали бунисида. Кунини қизлар билан, ўзига ўхшаган такасалтанглар билан ўтказади. Пул сўраса йўқ дея олмайман, айтганини бераман. Хуллас, ўзим ўғлимнинг бошига етдим, ука, — шу ерга келганда суҳбатдошимнинг кўзи ёшланди, — оғзидан сигарет тушмайдиган, нимжонгина ўғлимга тез-тез ҳаво етишмайдиган бўлди. Нафаси сиққанда дунё кўзига тор кўриниб кетса ҳам сигаретани ташламайди, денг. Хуллас шифохонага ётқиздик. Шифокорлар узоқ вақт Ғанишерни тиббий кўрикдан ўтказишиб, ўпка раки хасталигига йўлиққанлигини айтишди. «Ҳали ёш бўлса. Қандай қилиб бу касалликка дучор бўлиши мумкин», деб сўрасам, бу хасталик сигаретни кўп чекиш оқибати эканлигини таъкидлашди. Бу гапга ишонмай, бошқа шифохоналарга мурожаат қилдик. Ўғлимни синчиклаб текширган шифокорларнинг барчаси бу хасталикнинг асл сабабчиси никотин эканлигини, ўғлим сигаретани жуда ёшлигидан мунтазам чекканлигини айтишди. Начора. Ҳаммаси тўғри. Шифохоналарда тўрт ойча ётган ўғлимнинг умри қисқа экан. Ҳеч бир шифокорнинг муолажаси кор қилмай, бу ёруғ оламдан эрта кетди. Бу рост гап, укалар. Бу гапимга хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ихтиёр сизда, — дея ҳикоясини тугатди Валижон акамиз.

Хонадон соҳиби билан узоқ суҳбатлашдик. Тўғриси, у кишининг бошидан кечирган мусибати сабабларини обдон муҳокама қилдик. Валижон ака ушбу воқеани газетада эълон қилишимизни илтимос қилди. Биз унинг илтимосини бажаришга сўз бердик. Фақат муайян сабабларга кўра қаҳрамонимизнинг исми-шарифи ва уй манзили ўзгартирилди холос.

Дарвоқе, мақолага шу ерда нуқта қўйсак ҳам бўлар эдикуя, аммо ичишнинг, чекишнинг зарари ҳақида аниқ маълумот олиш мақсадида Юнусобод туманидаги 41-оилавий поликлиника шифокори, терапевт Назира Саидхоновага мурожаат қилдик.

— Нега ажабланасиз, — сўз бошлади шифокор, — Валижон аканинг гапи тўғри. Сигарет — айтиш жоиз бўлса, инсониятнинг душмани, соғлиқнинг кушандаси. Аввало, чекадиган инсон тез-тез шамоллайдиган бўлиб қолади. Аввал бронхит билан оғрийди. Бронхиал астма хасталигини ҳам асосан чекувчилар орттиришади. Чекувчиларнинг нафақат ўзлари, балки фарзандлари ҳам азият чекади. Яъни сурункали чекувчиларнинг фарзандлари кўп ҳолларда нимжон, иммунитети паст, ақлан заиф бўлиб вояга етади. Кунига бир қути ёки ундан ортиқ тамаки чеккан киши қон томир, асаб хасталигига мубтало бўлади, стенокардия ва миокард инфаркти хасталигини орттирганларнинг аксарияти чекувчилардир. Шунингдек, ўпка ракига йўлиққанлар ҳам асосан кашандалар ҳисобланади. Бундан хулоса шуки, тамаки инсон саломатлигига шунчалик кўп зарар келтирар эканки, спиртли ичимлик келтириб чиқарадиган салбий оқибатлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ТАҲРИРИЯТДАН: ўтган йилнинг Сиҳатсаломатлик, жорий йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб номланишини мамлакатимизда инсон саломатлигини асраш йўлида қилинаётган ғамхўрлик сифатида баҳолаш мумкин. Ҳар биримизнинг соғлиғимиз ўз қўлимизда. Касални даволагандан кўра олдини олган афзал дейдилар. Шундай экан, азизлар, саломатлигимизга путур етказадиган зарарли иллатлардан воз кечайлик, ичмайлик, чекмайлик. Балки спорт билан шуғулланайлик. Ана шунда ўзимиз соғлом, фарзандларимиз баркамол бўлади. Зеро, келажаги буюк юрт — соғлом фарзандлар қўлидадир. Агар биз юқоридаги ҳикоядан ўзимизга тегишли хулосани чиқариб, зарарли одатлардан воз кечсак, Валижон аканинг бошига тушган кўргуликлар ҳеч кимнинг бошига тушмайди.

Санъат

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ДАРГОҲИ

БУНДАН ЎН ЙИЛ АВВАЛ ТОШКЕНТ ЭСТРАДА-ЦИРК КОЛЛЕЖИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАГАН ЭДИ. ЎРТА ОСИЁДА ЯГОНА БЎЛГАН БУ БИЛИМ ВА МАҲОРАТ ДАРГОҲИ ЁШ САНЪАТКОРЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИНИ УЧИРМА ҚИЛДИ.

Бу истеъдодли ёшлар томонидан тайёрланаётган томоша дастурлари турли ижодий кўрикларда муносиб тақдирланди. Шу ўринда «Шод» гуруҳи фаолиятини айтиб ўтиш жоиздир. Эстрада санъатини тарғиб этиб келаётган бу гуруҳ «Янги тароналар», «Умид юлдузлари» кўрик-танловларида қатнашиб, ғолибликни қўлга киритди.

Цирк санъати бўлими битирувчилари томонидан ҳам янги концерт дастурлари тайёрланиб, жойларда муваффақиятли намойиш этилмоқда.

ТЕАТР — ҲАЁТ КЎЗГУСИ

РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ БОЛАЛАР КУТУБХОНАСИДА САНЪАТНИНГ ТУРЛИ СОҲАЛАРИГА ОИД АДАБИЁТЛАР БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА КЕНГ ТАРҒИБ ЭТИБ КЕЛИНМОҚДА. БУ БОРАДА ТУРЛИ МАВЗУДАГИ АДАБИЁТЛАР КЎРГАЗМАСИ, ШАРҲЛАРИ, САНЪАТКОРЛАР БИЛАН ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР ТЕЗ-ТЕЗ ЎТКАЗИБ ТУРИЛАДИ.

Яқинда, кутубхона қошидаги «Парвоз» номли ёш ижодкорлар марказининг навбатдаги йирик тадбирларидан бири—«Дийдор» театр-студиясининг бир гуруҳ ижодкорлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Кечани Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонаси, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорликда ўтказдилар.

— Театр саҳнаси маънавиятнинг энг ёркин, энг таъсирчан кўринишларидан биридир — дейди «Дийдор» театр-студиясининг раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мамажон Нурматов. — Бугунги театр санъати ёшларимизни тарбиялашда жуда катта аҳамият касб этади. Санъат инсонларга маънавий озиқ бериш билан бирга уларнинг онг ва тафаккурини чархлайди. Воқеалар ҳеч бир бўрттиришсиз кўз ўнгингизда содир бўлади. Томошабин актёр билан ҳамнафас бўлади, унинг шодлиги билан қувониб, дарди билан ёниб яшайди. Театр актёрларининг ютуғини ҳам ана шунда деб ўйлайман. Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад эса театр санъатининг ўзига хос хусусиятларини ёшлар онгига сингдириш, бадиий-эстетик дидни ўстиришдан иборатдир.

Мазкур кечада «Дийдор» театр-студиясининг актёрларидан Ҳайитали Низомиддинов, Раҳимжон Исмоилов, Тоир Раҳмонбердиев, Абдулла Тўйчиев, Зебунисо Қосимова, Саида Раҳимова, режиссёр Мирвосил Мирзаев иштирок этдилар. Шаҳримиздаги 69- мактаб ўқувчилари бу учрашувдан бир олам таассурот олдилар. Айниқса, «Хўжа Насриддин», «Сахий бобо» спектакларидан намойиш этилган саҳна кўринишлари барча иштирокчиларнинг олқишларига сазовор бўлди.

— Биз бундай тадбирларни ўтказар эканмиз, — дейди Республика Давлат болалар кутубхонаси директори Фотима Бухарова,— талабалар ва ўқувчиларни кутубхонага жалб қилиб, уларнинг ҳам китобга, ҳам санъатга нисбатан меҳр- муҳаббатларини янада ошириб, қалбларига энг гўзал туйғуларни сингдиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Истаймизки, ёш авлод келажакда билимли, доно, зукко бўлиб вояга етсин. Санъатимизни қадрласин, уни чексиз-чегарасиз сирли қирраларини эгалласин.

Тадбир сўнгида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олдилар. Саҳна кўринишларидан сўнг куй-қўшиққа уланган кеча сермазмун ўтди.

Гулнигор САТТОРОВА

Тўқилмаган ҳикоялар

БИРОВГА ЧОҲ ҚАЗИСАНГ...

Ҳамдам билан Шокир ёшликдан бирга улғайди, бир мактабда, битта институтда таҳсил олди. Буни қарангки, ўзаро қалин дўст тутинган икки ошна бир корхонага ишга кирди.

Шуниси қизиққи, Ҳамдам ҳам, Шокир ҳам ишни оддий хизматчиликдан бошлади. Шокирнинг уқуви баланд, билими ўткир эканми, ҳарқалай йиллар ўтиб аввал цех бошлиғи, ўринбосар, охир-оқибат корхона раҳбарлигини ҳам эгаллади. Ҳамдамнинг эса сира омади юришмади, оддий хизматчи бўлиб қолаверди. Мана шунга ҳам салкам ўттиз йил бўлибди. "Одамнинг оласи ичида", деганларидек, ошнасининг раҳбарлик лавозимига кўтарилганига чидай олмаган Ҳамдамга алам қилди. Эндиликда у дўстининг устидан юқори идораларга юмалоқ хатларни қалаштириб ёза бошлади. Ҳамдам тинимсиз ёзаверди, ёзаверди. Бунақа хат Шокирни ҳушёрликка ундади, обдон тоблади, ишда камчиликка йўл қўймасликка, зукко, пишиқ бўлишга ўргатди. Ва Шокир янада обрў орттириб мансаб пилапояларидан юқори кўтарилаверди. Ҳамдамнинг эса алами ичида. Чунки у ҳамон оддий хизматчи бўлиб юрибди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

ОЛТИН ОЛМА — ДУО ОЛ...

Шоқосим поездга ўтиргунича дом-дараксиз кетди. Ҳеч қаердан хат-хабар бўлмади. Почтачи яна ноумид қайтарган синглиси йиғлаб кириб келди.

— Кўл-оёқлари бўлмаса ҳам акажонимни бир кўрсам эди.

Ҳидоят ота хафа бўлди.

— Бу гапингни қайтариб ол, қизим. Аканг тирик. Мен уни ҳукуматга соғ-омон топширганман. Худо хоҳласа уйимизга саломат қайтади.

— Акамдан дом-дарак йўққу, ахир соғиниб кетдимда, — деди сингил яна отага.

— Қариган чоғимда қўлсиз, оёқсиз болани нима қиламан. Айтдимку сенга, ўғлим соғ-омон деб, — ота ҳассасини осмонга таҳдидли кўтарди.

Овози титрай бошлаган қариянинг оппоқ соқолидан томчилар думалади, қиблага қараб кафтларини очди.

— Ё, Парвардигор, мен бандангга раҳминг келсин. Фарзанд доғини менга кўрсатма. Адо бўлган мен бечоранинг илтижоларимни йўққа чиқарма. Жумлани асрагин, улар қатори менинг ўғлимни ҳам соғ-омон сақла.

Қирқ бешинчи йили саратоннинг ўрталари. Тонг энди-энди ёришиб келяпти. Темир йўл вокзалида поезддан тушган аскар йигитни тўрт-беш киши ўртага олди. Бу Ҳидоят отанинг ўғли Шоқосим эди.

— Дадам омонмилар? — сўрайди аскар ён-веридагилардан.

— Михдайлар, хотиржам бўлинг.

Улар бир тавақали очиқ дарвозадан ичкарига киришганида Ҳидоят ота жойнамоз устида тиловат қилаётганди.

— Жумлани асрагин. Уларнинг қаторида Шоқосимини ҳам омон сақла, Парвардигор.

Худодан кунига беш маҳал сўраган фарзанди Шоқосимини кўрмаётган ота ҳамон дуо қиларди. Бу манзаранинг шоҳиди бўлиб турган, беш йил қон кечиб, бирор ери тирналмаган Шоқосимнинг юрак-юрагидан буюк бир сўз отилиб чиқди.

— Отажон!!!

Тўра ИЛҲОМОВ

ОТА ҚАРҒИШИ ЎҚ....

Ғуломжоннинг бугунги аҳволини кўрган кишининг раҳми келади. Маҳалладошлари уни ярим ташвиш, ярим ҳайрат билан, "Ота қарғишини олгани чакки бўлди-да, эссиз Ғуломжон...", дея эслашади.

Ғуломжоннинг отаси Иномжон ота беш фарзандни тарбиялаб катта қилди, ўзи емай едирди, киймай кийдирди. Фарзандларидан эндигина роҳат кўриб яшайман, деганида эса... Иномжон ота нафақага чиқди. Аммо, тўнғич ўғли Ғуломжон унга кун бермай қўйди, бўлар бўлмасга отани силталайди, беҳурмат қилади. Отанинг дили оғрийди. Очиғи, у ўғлидан буни сира кутмаган. Иномжон отанинг айби шуки, шинаванда бўлгани учунми, улфатлари, ошна-оғайнилари сўроқлаб келаверади. Улар билан кун ора улфатчилик қилишга мажбур бўлган ота аҳён-аҳёнда жиндаккина бўлсада, ароқдан тотинади. Лекин унинг биров билан муштлашганини, кимгадир зарари текканини ҳеч ким кўрмаган. Бу аҳволдан ранжиган Ғуломжон эса, юзингда кўзинг борми, демай отасини қойийди, уришади.

Иномжон ота бундан 10 йил аввал вафот этди. Ғуломжон эса кексайиб қолгандек, қадди букилиб қолди, сочига оқ ҳам тушди. Қизиғи, қўли ишга бормай қолган Ғуломжоннинг ўзи ҳам ароққа ружу қўйганига ишонгиси келмайди одамнинг. Ёмони, болалари унинг ҳолидан хабар олмайди. "Ота қарғиши ўқ...", деб шунга айтишади-да.

Абзал ЖЎРАЕВ

Газетхон сим қоқади

САВОЛНИНГ ЖАВОБИ БОР, АММО...

ТЕЛЕФОН БЕХОСДАН ЖИРИНГЛАДИ. ГЎШАКНИ КЎТАРДИК.

— «Тошкент оқшоми» газетасими?

— Сизни эшитяпмиз, гапираверинг.

— Камина Носир Парпиев бўламан. Бектемир туманидаги Жўрабек Остонов маҳалласида яшайман. 16 январда «Хатлар— ҳаёт ойнаси» саҳифасида эълон қилинган Шаҳноза Қосимованинг «Савол жавобсиз қолди» мақоласи юзасидан таклифларимни айтмоқчи эдим.

— Бемалол, Носир ака. Сўзлайверинг. Аввало, айтингчи, саҳифа материаллари сизга маъқулми?

— Ҳа. Яширмайман, «Оқшом» менинг севимли газетам. Унда турли хил материалларинг берилаётганлиги қувонарли. Айниқса, «Хатлар — ҳаёт ойнаси» газетхонларнинг мактублари асосида тайёрланаётганлиги яхши. Бироқ...

Шу ерда бироз чўчиганимиз рост. Чунки муштарийга қайси мактуб ёқмади ёки қайси мақолага эътироз билдирмоқчи, деган ўй хаёлдан кечгани табиий.

— Носир ака, фикрингизни очиқ айтаверинг, — дедик газетхонга.

— Саҳифадаги Шаҳноза Қосимованинг мактубини диққат билан ўқидим. Шу боис Шаҳнозахонга эътирозим бор.

— Хўш, хўш, — қизиқиб сўрадик, —қандай эътироз, ака?

— Шаҳноза айтаётган воқеада чиптачининг айби йўқ. Чунки автобусга чиққан талаба чиптачига албатта талабалик гувоҳномасини кўрсатиши шарт. Чунки айнан ойлик йўл чиптасида «Шаҳар ичидаги транспорт йўналишларида олий ўқув юртларининг кундузи таълим олувчи талабалар учун талабалар гувоҳномаси кўрсатилганда ҳақиқий», деб ёзиб қўйилган.

Таҳририятдан: биз Носир ака билан телефон орқали анча суҳбатлашдик. Бу бизни қувонтирди албатта. Гап аслида мактуб эгасининг ҳақ ёки ноҳақлигида ҳам эмас, балки унинг фикри газетхонлар томонидан эътиборсиз қолмаётганлигидадир. Зеро, халқимизда ҳақиқат баҳсда ойдинлашади, деган ҳикматли нақл бор.

... миннатдорчилик билдиради

МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ

ИНСОН СОҒЛИҒИНИНГ ҚАДРИНИ БОШИ ЁСТИҚҚА ТЕККАНИДА, БИРОР ЕРИ ОҒРИБ АЗИЯТ ЧЕККАНИДА БИЛАР ЭКАН.

Камина тобим қочиб қолдию шаҳримиздаги 17- шифохонада даволанишимга тўғри келди. Очиғини айтсам, Зулфия Назирхонова бошчилик қилаётган бўлимда даволанар эканман, қалби халатидек оппоқ, ширинсўз, меҳрибон шифокорларнинг муомаласи, муолажасидан кўнглим ғурурга тўлди. Ҳамширалар Фарида Шоюсупова, Машҳура Тўрақуловаларнинг ширин каломлари беморлар дардига малҳам бўлганлигини таъкидлагим келади. Муҳими, муолажалар ўз вақтида амалга оширилди. Шифохонада беморларнинг даволанишлари учун шароитлар етарли эканлиги боис тезда соғайиб кетдим. Бир сўз билан айтганда, бағрикенг, ажойиб шифокорларнинг меҳрибонликлари туфайли шифо топдим. Сўзим ниҳоясида, «беморлар дардига доимо ширин сўзингиз, касб маҳоратингиз билан малҳам бўлаверинг, азиз шифокорлар» дейман.

Мирусмон ҲАКИМЖОНОВ,
Юнусобод тумани, «Оқибат» маҳалласи

Ўз-ўзи ўргатиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКОЯТ. Келтиришларича, ҳижрон ғамидан ўқ еган бир киши ночорлик туфайли гоҳ йиғлар, гоҳ кулар, гоҳо нола чекиб, бошига тупроқ сочар эди. Уни кўрган бир киши: «Ажабо, бу одам жинни бўлибди, уни бандга солиб, даволаш керак, токи бу номақбул қиликдан қутулсин!» деди. Бироқ унинг дардидан воқиф бир киши ўтиб борар экан, шундай деганини эшитдим:

Ошиққа на занжир ва на банд писанд,
Унга таъсир қилмас, на таъна, на панд!
У шундай ҳолдаки, ўт ичра гўё
Ташлаб юборилган бир сиқим сипанд!
ХУРРАМИЙ

Ҳамдами ишқ бўлмади ҳар булҳавас,
Ўтга ёвуқ келса, куяр ҳар хору хас.
Саид ҚОСИМИЙ

Жон бериб абнои даврондин вафо
кўз тутмаким,
Йўқтурур бу шева не маҳбуб,
не аҳбобда.
ҲУСАЙНИЙ

ҲИКМАТ. Киши ўз ёрини ағёр билан кўргандан кўра жудолик меҳнатини тортгани афзал. Байт:

Умрбод жудолик кўрганим афзал,
Сени ўзга билан кўргандан бир он.
Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

Васл истама ҳажр ранжи чекмай,
Ким комини топди бериёзат.
Комил ХОРАЗМИЙ

Кўнгул севганларига лутф этгай,
Севмаганлар жаҳаннамга кетгай.
САЙЁДИЙ

Ошиқ бўла билмас кишики жонин аяса,
Ушшоқ кўзина сару дастор кўрунмас.
Ҳофиз ХОРАЗМИЙ

Мусулмони комил бўлишингиз учун бир-бирингизга муҳаббат қўйишингиз шарт. Ўрталарингизда муҳаббат пайдо бўлишли учун саломни ошкоро беринг ва бир-бирингизга жаҳл қилишдан сақланингиз, чунки жаҳл тарашлагучидир, яъни у сочни тарашламайди, балки динни тарашлайди.
ҲАДИС

Ишқ рамзидин агар бир қилча
фаҳм этса фақиҳ,
Тарк этар эрди қамуқ
фатвою қилу қолни.
ОТОЙИ

Тўғри юрган ошиқлардан худо рози,
Ошиқ иши осон эмас, қилма бози.
Ёлғончилар «ошиқмен» дер, Оллоҳ қози,
Имонини пучак пулга сотар эрмиш.
Аҳмад ЯССАВИЙ

ҲИКМАТ. Сўрадилар: «Ошиқ учун энг оғир уқубат нима?» Жавоб берди: «Узоқ муддатли умиддан кейинги ноумидлик!» Байт:

Умидвор бўлса-ю, ноумид қолса,
Бундан ортиқ дард йўқ ошиқ-маъшуққа!
Мажидиддин ХАВОФИЙ

Муродим бўлмасун ҳаргиз муяссар,
Кўнгулда сендин ўзга бўлса матлуб.
ОТОЙИ

Муҳаббат маслаҳатсиз пайдо бўлади.
«ОТАЛАР сўзи»

Бир бузуқ вайронадур ул
уйдаким ёр бўлмаса,
Ёр ила обод эрур, ул уйда
ағёр бўлмаса.
ҲУВАЙДО

ҲИКОЯТ. Мажнун ҳақида ҳикоя қилишларича, у ҳар куни Лайлини кўргани келар, аммо Лайли ундан юзини яшириб олар экан. Бир куни Лайлидан: «Нега юзингни ундан яширасан?» деб сўрадилар. Лайли: «Ҳар куни юзимни кўрсатаверсам, унинг дилида менга нисбатан бўлган муҳаббатни камайиб қолишидан қўрқаман!» деб жавоб берди.
ХУРРАМИЙ

Зинҳор ишқ ишин ўсал тутма, эй кўнгул,
Осони мушкул эрур анинг мушкилоттин.
ОТОЙИ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган



Кўргазмалар

ҚАЛБИМ МЕҲВАРИДАН ЎТАЁТГАН ДУНЁ

ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ МАРКАЗИДА ИҚТИДОРЛИ ФОТОРАССОМ АБДУҒАНИ ЖУМАНИНГ ШУ НОМДАГИ ШАХСИЙ КЎРГАЗМАСИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Абдуғани Жума Тошкент Давлат иқтисодиёт университети (собиқ Тошкент халқ хўжалиги институти)ни тугаллаб, ҳисоблаш марказларидан бирида иқтисодчи-муҳандис лавозимида ишлар экан, бўш вақтини суратказшликка бағишлади. Ижод қилиш иштиёқи ҳеч тарк этмаёди уни. Шу мақсад 1976 йилнинг баҳорида уни Республика «Панорама» фото-клубига бошлаб келди. Клубда турли ёшдаги ҳар хил соҳа вакиллари санъат хусусида муҳокама, мунозара, машқ ва машғулотлар олиб борардилар. Шу орада у «Саодат», «Гулистон» журналларига, «Тошкент оқшоми» газетасига тез-тез ўз ижодидан намуналар олиб борарди. 1978 йилда унинг ижодий фаолиятида биринчи унутилмас воқеа содир бўлди. Республика фото-танловида бир йўла икки жанр бўйича (портрет – иккинчи, пейзаж—учинчи ўрин) совриндор бўлди. 1982 йилда профессионал суратчи сифатида иш бошлади. 1984 йилдан «Uzbekistan Contakt», «Гулистон» журналларида ишлади. 1986 йилдан бошлаб кўп йиллар давомида «Ёшлик» журналининг фото-мухбири сифатида иш олиб борар экан, бетакрор фантазияга бой саҳифалар муаллифи, том маънода ижодкор сифатида танилди. Кейинчалик ҳам «Саодат», «Гулистон», «Инсон ва қонун» газета ва журналлари таҳририятларида хизмат қилди, изланди.



1999 йилда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетининг очилиши муносабати билан биринчи марта фото-журналистика фани ўқув дастурини ишлаб чиқди ва факультет талабаларига ўзбек ва рус тилларида маърузалар ўқиди. Давлат мустақиллиги эълон қилингач, миллий фото-журналистиканинг эртанги куни ҳақида жон куйдира бошлади. Республика фотография марказини тузиш, унда кадрларни тайёрлаш ва фотомухбирларнинг малакасини ошириш бўйича семинар ва ўқув курсларини ташкил қилиш ва бошқа тадбирлар таклифини киритди. Энг муҳими, бу соҳадаги мавжуд тажрибани тўплаш, умумлаштириш асосида янги фотографияга мактабини барпо қилиш муҳимлигини кўндаланг қўйди.

Абдуғани Жума сўнгги 5-6 йил давомида ўзини кўпроқ ижодга бағишлади. 2000 йилда Ўзбекистон Бадиий академияси ижодкорлар уюшмасининг аъзоси бўлди. Қисқа вақт ичида кўплаб республика ва халқаро фото-танловларининг иштирокчиси, ғолиби бўлди. Мамлакатимизда ва чет элда – Брюссел, Антверпен, Берлин шаҳарларида, Хитой, Япония каби мамлакатларда ўтказилган фото-кўргазмаларда иштирок этди. Ишлари шахсий тўпламлардан жой олди.

Рассом 1992 йили «Мустақиллик» нишонини олди. 1997 йил «Шуҳрат» медали билан тақдирланди, 2001 йил эса «Энг улуғ, Энг азиз» республика танловининг ғолиби, 2002 йил «Йилнинг энг яхши журналисти» республика танловининг ғолиби бўлди, 2003 йил Япония «Халқаро фото танлови»да иккинчи ўринни эгаллади. 2005 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистондаги ваколатхонасининг бош совринини қўлга киритди.

Муаллиф ижодидаги севимли мавзуси асосан портрет, манзара жанрларидир.

Рассомнинг ушбу кўргазмаси эса унинг илк йирик ижодий ҳисоботидир. Кўргазмага қўйилган ҳар бир иш хоҳ пейзаж ёки бошқа жанрда бўлсин, томошабин ундаги чуқур бадиий психологик ҳолатнинг таъсирига тушади. Рассомнинг «Ҳаёт», «Афшона», «Сукунат», «Овчининг фарёди» каби асарлари, «Туш», «Тазарру» туркумлари, «Вардонзе» диптихи шулар сирасидандир. Унинг «Эски шаҳар» лавҳалари, «Аския», «Устожон Бухоро» туркумлари, «Шарқ» триптихи тоза самимий ҳиссиётлар уйғотса, янгича услубда тақдим этилаётган «Қизил нуқта» архитектура ишлари томошабинга ҳайратомуз завқ улашади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар

ГОЛЬФ — АЖОЙИБ КЎНГИЛОЧАР ЎЙИН

2006 ЙИЛНИНГ 14 МАЙИДА ТОШКЕНТДАГИ ГОЛЬФ КЛУБИ МАЙДОНЛАРИДА ГОЛЬФ БЎЙИЧА 1-ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

Бу ҳақда Ўзбекистон Гольф ассоциацияси бош котиби Со Кон И матбуот анжуманида маълум қилди. У биринчи чемпионат ўтказиладиган шаҳар ташқарисидаги Роҳат кўлидаги Тошкент гольф клуби атиги икки йил ичида барпо этилганини таъкидлади. 1998 йили Мустақиллик кунида ушбу клубнинг тантанали очилиш маросими ўтказилган эди. Бу республикамизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан спортни ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибор натижасидир.

Со Кон И Ўзбекистоннинг қадрдон дўсти. У 90-йиллар ўртасида Корея Республикасининг Ўзбекистондаги биринчи элчиси эди. Гольфнинг ашаддий ишқибози ва кўп йиллик тажрибага эга Со Кон И Ўзбекистонда гольф-клуб ва гольф ассоциациясини ташкил этиш таклифини катта мамнуният билан қабул қилди. Пойтахтимиздаги қатор йирик корхоналар ушбу ассоциация таъсисчилари саналади. Марказий Осиёда биринчи ва ягона ушбу гольф-клуб барча жаҳон талабларига жавоб беради. Бу ердаги 18 та майдон майса билан қопланган, барча керакли инфратузилма — меҳмонхона, автомобиллар тўхташ жойи, овқатланиш пунктлари, дўконлар, ечиниш ва дам олиш хоналари ва ҳоказолар ташкил этилган.

Ҳозир Тошкент гольф клубига нафақат Ўзбекистондаги дипломатик миссиялар вакиллари, балки кўплаб чет эллик меҳмонлар — сайёҳлар, тадбиркорлар, профессионал ўйинчилар ва ҳаваскорлар ўйнаш учун келади. Чунки бу ерда ушбу кўнгилочар ўйин хориждаги каби қиммат эмас. Юртдошларимиз ҳам биз учун янги бўлган ушбу спорт турини аста-секин ўрганмоқда, улар орасида маҳоратли ўйинчилар ҳам бор.

Чемпионат давомида 18 та майдонда ўйин бўлиб ўтади. Унда гандикап ҳисобга олинган ҳолда 30 нафарга яқин ўйинчи, жумладан хотин-қизлар ҳам иштирок этади. Чемпионатни ўтказишдан кўзланган мақсад Ўзбекистонда гольфни оммалаштириш ва ривожлантиришдан иборат. Мусобақа Тошкент гольф клуби кўмагида Ўзбекистон Гольф ассоциацияси томонидан ташкил этилди. Чемпионатнинг бош ҳомийси «Kapital bank» хусусий очиқ акционерлик тижорат банки ҳисобланади.

Ўз мижозларининг ҳаётий қадриятлари ва манфаатларини ҳисобга олувчи, спорт тадбирларида ҳар доим иштирок этувчи «Kapital bank» чемпионатни қўллаб-қувватловчи ҳомийлардан. Нима учун ишбилармон одамлар орасида гольф ўйини бунчалик оммалашган? Чунки бу нафақат ажойиб майсазорлар, қўллар, тоза ҳаводан баҳра олиш, замонавий ўзига хос кийиниш, балки эътиборни бир жойга жамлаш, кундалик муаммоларни тўлиқ унутиш имкониятидир.

Бу йил Ўзбекистон фуқаролари ушбу ажойиб спорт турида ўзларини синаб кўриш имкониятига эга. Гольф бўйича 1-Ўзбекистон чемпионатида республикамизнинг хоҳлаган фуқароси иштирок этиши мумкин. 2006 йил давомида мамлакатимиз фуқаролари машғулот ўйинларида бепул иштирок этиши мумкин. Бунинг учун керакли бўлган барча анжомлар - тўплар солинадиган машғулот саватлари, клюшкалар, махсус оёқ кийимлари бепул тақдим этилади.

Марказий Осиё минтақаси учун гольф спортнинг янги тури ҳисобланади. Шундай эса-да, уни ривожлантиришга катта куч сарфланмоқда. Ўзбекистон тарихида биринчи гольф клубининг ташкил этилиши мамлакатимизнинг тобора ортиб бораётган нуфузидан далолат беради ва шу билан бирга, пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари учун дам олиш кунларини мароқли ўтказиш, спорт борасида ўзларини такомиллаштириш, жаҳон миқёсидаги спорт тадбирлари билан танишиш имкониятидир. Роҳат кўлида жойлашган гольф ўйнаш учун мўлжалланган 18 та чуқурчали майдон, замонавий қулайликлар минтақамизга ўзига хослик бахш этади.

Гольф — бу спорт ва маҳоратгина эмас, балки маданият ва кўнгилли дам олиш, истеъдодни намойиш этиш ва мукаммалликка интилиш демакдир.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири

Спорт

«ЮНУСОБОД» МЕҲМОНЛАРНИ КУТИШГА ТАЙЁР

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 21-27 МАЙ КУНЛАРИ ПОЙТАХТИМИЗДА МИНИ-ФУТБОЛ БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ МУСОБАҚАЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИ МУХЛИСЛАРГА МАЪЛУМ, АЛБАТТА.

Шуниси эътиборлики, ушбу нуфузли турнир пойтахт шаҳри ва вилоятининг «Юнусобод» ҳамда «Чирчиқ» стадионларида ўтказилиши режалаштирилган эди. Ушбу стадионларни кўздан кечириш мақсадида юртимизга ташриф буюрган Осиё футбол конфедерацияси вакиллари нуфузли турнир фақатгина «Юнусобод» стадионида ўтказилиши, сабаби ушбу спорт иншооти халқаро талабларга жавоб бера олишини маълум қилишди.

Шаҳримиздаги «Зарафшон» концерт залида 23 апрель куни мини-футбол бўйича Осиё чемпионатига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, «Юнусобод» стадиони Осиё чемпионати қатнашчиларини кутиб олишга тайёр.

(Ўз мухбиримиз)

САМАРҚАНД ШАҲРИДА СПОРТНИНГ НАФИС ТУРИ – БАДИИЙ ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА УЮШТИРИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ МУСОБАҚАЛАРИ ПОЙТАХТЛИК СПОРТЧИЛАРГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

ПОЙТАХТЛИКЛАР — БИРИНЧИ

Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 1989-1993, 1994-1999 йилларда туғилган қизлар ўртасида уюштирилган мусобақалар қизиқарли кечди. Бадиий гимнастика сирларини маҳорат билан ўрганаётган 100 нафар ёш спортчилар ўртасида ташкил этилган баҳсларда шаҳримиз вакиллари Инара Сатторова, Асал Йўлдошева ва Вероника Юсуповаларга тенг келадиган рақиб топилмади. Шунингдек, умумжамоа ҳисобида ҳам Тошкент шаҳри жамоасига шоҳсупа тўрининг энг юқори поғонаси насиб этди. Дарвоқе, Самарқанд вилояти жамоаси иккинчи, Бухоро вилояти жамоаси учинчи ўринлар билан қифояланишди.

Мусобақалар охирида ғолиб ва совриндорларга совринлар, эсдалик совғалари туҳфа этилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР | ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I ФИЛИАЛИ ҲУРМАТЛИ АБОНЕНТЛАР!

Тошкент шаҳар телефон тармоғини янгилаш ва ривожлантириш режасига мувофиқ 40, 41, 43, 49, 56, 46, 53, 24, 76, 45-АТСлар телефон рақамларини электрон рақамли тизимга ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда.

Янги АТСлар қуйидаги тартибдаги еттита рақамли кўринишга эга:
40-АТС — 160-ЭАТС маълумотлар учун телефон - 160-00-00
41-АТС-142-ЭАТС маълумотлар учун телефон — 142-14-14
43-АТС — 143-ЭАТС маълумотлар учун телефон — 143-00-00
49-АТС — 149-ЭАТС маълумотлар учун телефон — 149-23-99
56-АТС — 153-ЭАТС маълумотлар учун телефон — 153-14-00
46-АТС — 396-ЭАТС маълумотлар учун телефон — 396-12-12
53-АТС — 362-ЭАТС маълумотлар учун телефон — 362-17-17
24-АТС — 124-ЭАТС маълумотлар учун телефон — 124-23-23
76-АТС — 366-ЭАТС маълумотлар учун телефон — 366-23-23
45-АТС — 395-ЭАТС маълумотлар учун телефон — 395-99-99

Электрон рақамли тизимга ўтиш чоғида алоқада узилишлар бўлиши мумкин. Филиал маъмурияти телефон рақамларини алмаштириш билан боғлиқ айрим ноқулайликлар учун узр сўрайди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, автомобилларда йўловчи ташиш билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Сиз аввалги олган эски намунадаги лицензияларни жорий йилнинг 1 май кунига қадар янги намунадаги лицензияларга алмаштиришингиз керак.

Лицензия алмаштириш учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментига мурожаат қилинг.

Департамент манзили: А.Темур кўчаси, 6-уй. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси биносида жойлашган.

Мулоқот учун телефонлар: 136-00-91, 144-57-86, 134-81-32

«Саёҳат» меҳмонхонаси ёнида 4 хонали ғиштли уй сотилади. 2 қават. Тел: 68-23-46, 67-31-61

Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамаси шаҳар Молия бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Тамара Таировна Ермаковага отаси

Тоир Зокирович ҚУРБОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасининг Молия бош бошқармаси Учтепа тумани ҳокимлигининг молия бўлими бошлиғи Дилором Набиевна Ахмедовага онаси

Дилбар ХАЛИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мунажжим башорати

ШАХСИЙ ҲАЁТИНГИЗДА ОМАДЛИ КУН

12 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА
МУНАЖЖИМ СВЕТА ДЕНЬ БУГУНГИ КУННИ МУҲАББАТ ВА ОШИҚ-МАЪШУҚАЛАР КУНИ ДЕЯ ТАВСИФЛАЙДИ. ШУ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲОЛДА ШАХСИЙ ҲАЁТИНГИЗДА ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛАДИ.

Айниқса, барча янгиликларга алоҳида эътибор қилиш керак бўлади. Бугун сизни домига тортаётган, эътиборингизни қозонаётган ва илгари ҳеч қачон шуғулланмаган нарсаларингиз ҳаётингизда муҳим рол ўйнаши, олдингизда қандайдир янги истиқболларни очиб бериши, ҳозиргача шаклланган шахсий анъаналарингизни барбод қилмаган ҳолда кўникиб кетган одатий тор доирангиздан чиқиб кетиш имконини туғдиради.

Ҳар қандай аломатлар, ҳар қандай "тасодифлар"га эътибор қилинг. Бугун улар сизни энг муҳим нарсалар ҳақида огоҳлантириши мумкин. Жониворлар сизга нисбатан жаҳлдор бўлишлари яхши эмас – бу ҳолат сизнинг ич-ичдан жаҳолатга берилаётганингиз, ички уйғунликка раҳна тушаётганидан даракдир. Суҳбат давомида тасодифан эшитган исмингиз яқин орада сиз учрашадиган қишига алоқадор бўлади. Ялтироқ тош ёки бирор зебзийнатни топиб олишингиз яхшилик аломати бўлади.

Бугун кўзларни ва ҳид билиш аъзоларини зўриқтириб бўлмаслиги ёдингизда турсин. Иложи борича бугун суюқликни камроқ истеъмол қилинг, спиртли ичимликлардан умуман воз кечинг.

Кийим-кечаклардан фақат яшил ранглар мажмуига оид либосларни танланг. Ҳар қандай ола-була ва қизил ҳамда зарғалдоқранг кийимларингизни бошқа вақтларга асраб қўя туринг.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 606

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3233 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6